

КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИНИНГ ОППОЗИЦИОН ҲОЛАТЛАРИ

*Турдиалиева Шахризода Умид кизи,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети, Филология ва тилларни
ўқитиш йўналиши 2-курс талабаси*

Аннотация

Мақола морфологик структураси турлича бўлган дунё тилларида кишилик олмошларининг оппозициясига бағишланган. Биринчи ва иккинчи шахс кишилик олмошларининг инглиз, рус ва ўзбек тилларида сўзловчи ва тингловчиларнинг коммуникация пайтидаги мавқеини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга иккинчи шахс бирликдаги рус, ўзбек, инглиз тилларидаги “сен” кишилик олмошининг турли доиралардаги прагматик маъноси ҳам изоҳлаб ўтилган.

Калит сўзлар: кишилик олмошлари, кишилик олмошларининг оппозицияси, кишилик олмошларининг прагматик маъноси, кишилик олмошларининг функционал хусусиятлари.

СООБРАЖЕНИЯ О ПРОТИВОПОЗИЦИИ ЛИЧНЫХ МЕСТОИМЕНЕЙ.

Аннотация

Данная статья посвящена определению оппозиции личных местоимений первого и второго лица, а также установлению их статуса в процессе коммуникации на материале английского, русского и узбекского языков. В тоже время в отличие семантики личных местоимений установлении их прагматические значения.

Ключевые слова: личные местоимение, оппозиция личных местоимений, прагматические значения личных местоимений, функциональные особенности личных местоимений.

Annotation

The article deals with the opposition of personal pronouns (I and II persons) and at the same time and attempt is made on defining the status of communicants in the process of interaction. A special attention is paid to the pragmatic meaning of personal pronouns, particularly to second person personal pronoun (you/сен/ты).

Key words: personal pronouns ,the opposition of the personal pronouns,pragmatic meaning of personal pronouns, the functional feature of the personal pronouns.

Қадимги грек грамматистлари томонидан алоҳида туркум сифатида ажратилган олмошларнинг прономинал характери лингвистика тарихида жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган, лекин уларнинг турли қирраларини ўрганиш ва моҳиятини яна бир-бир назардан ўтказиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. XX-асрнинг ўрталаридан бошлаб бир қатор тадқиқотчилар олмошларнинг функционал хусусиятларига ўз эътиборларини қаратдилар, чунки коммуникация пайтида олмошлар асосий мулоқот воситаси бўлиб хизмат қиладилар. Уларнинг бу хусусиятларига дунёнинг кўзга кўринган тилшунослари ўзларининг илмий ишларида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Олмошларнинг коммуникацияни амалга оширувчи гап таркибида бажараётган объект ва субъект каби вазифаларини олимлар аллақачон таъкидлаб ўтишган.

Олмошларнинг семантикаси ва ўзлари ифода этиб келаётган шахсларнинг турли жиҳатларини очиқ беришдаги маъно нозикликлари уларни универсал лексик birlikлар деб аташга имкон беради.

Олмошлар ичида сўзловчи ва тингловчи шахсини ифода этаётган биринчи ва иккинчи шахс кишилиқ олмошларининг оппозицияси мавқеи ва семантикаси бошқа олмошлардан фарқ қилади.

Бу ҳолат Э.Воҳидовнинг қуйидаги ғазалида ўз аксини топган:

На **мен сенга** ишқ исҳор этдим,
 На **сен менга** майл этдинг ошкор.
 Сени бир зум тутмоққа энди,
 На ҳаққим бор, на ҳуқуқим бор.

Юқоридаги мисолда келтирилган кишилиқ олмошларининг оппозицияси, яъни қарама-қарши полюсда намоён бўлиши инсон тили учун ниҳоятда аҳамиятлидир. “Шахсларнинг қарама-қаршилиги коммуникациянинг асосий шартидир, қолганлари эса прагматиканинг натижасидир”-деб ёзади француз тилшуноси Э.Бенвенист [1.447.].

Дунё тилларид кишилиқ олмошларининг таркиби ва сони турличадир. Масалан туркий тиллардан бўлмиш ўзбек тилида учинчи шахс олмоши учта ўзак билан характерланади: **мен-сен-у**.

Хинд-европа тилларида эса олмошлар тизими бошқача қурилган. Кишилиқ олмошларини ифодаловчи ўзақлар сони шахс сонидан кўпроқ.

Қиёсланг: рус тилида: Я/ТЫ/ОН-/МЫ/ВЫ/ОНИ
 Инглиз тилида: I/HE/SHE/IT-WE/YOU/THEY

Хитой тили мутахассисларининг фикрича, қадимги хитой тилида учинчи шахс кишилиқ олмошидан фарқ қилмаган. “Эрл” олмоши ҳам иккинчи, ҳам учинчи шахсни ифодалаб келади.

Кишилик олмошларидаги кўпликнинг фарқи мунтазам ёки номунтазам бўлиши мумкин. Агглютинатив тилларда сон категорияси мунтазам категория сифатида намоён бўилб, -лар суффикси орқали ифодаланади. Инглиз тилида эса сон категорияси мунтазам бўлмаслиги мумкин, қисман, иккинчи шахс кишилик олмоши бир пайтнинг ўзида ҳам бирлик, ҳам кўplik, маъносини ўзида мужассамлаштирган. “У” кишилик олмоши бирлик ва кўplik маъноларида ўзини намоён этади.

Айрим тилларда, кимгадир мурожаат этиш жараёнида ўша ашахснинг касб-кори ва унвони билан аташ урф бўлган. Масалан, немис тилида иккинчи шахс кишилик олмоши инсонларни касби ва унвони билан аташга хизмат қилади.

Кишилик олмошларининг синтактик хусусиятлари анафора ва катафора тушунчалари орқали аниқланади ва уларнинг маънолари чап ва ўнг томонда келаётган контекстда акс этади. Чап томонда келаётган контекстда асосан учинчи шахс кишилик олмошлари ўз маъно нозикликларини ифодалайдилар.

Масалан:выплавляющий золото дня, возвышался Исакий (Собор) Он сиял над рекой [4.2.].

Ўнг текстда олмош равишлар ўз маъноларини аниқлаштирадидилар. Масалан; Эртага, 2 сентябрда, болалар мактабга борадилар. Аммо кишилик олмошлари ҳам ўз маъноларини ўнг контекстда реаллаштирадидилар. Масалан; **Мен**, Пармонов биргадирман.

Кишилик олмошларининг ўз маъноларини ўнг контекстда реаллаштирувчи кўпроқ автобиографик очерклар ҳамда расмий иш услублари учун характерли ҳисобланади.

Энди гапни “Сен” олмошининг таҳлили билан давом эттирамиз. Тадқиқотчилар томонидан ҳозирги кунда “Сен” олмошининг қуйидаги вазифаларда ишлатилиши кузатилган: 1. “Сен” олмоши сўзловчи ва адресатнинг яқинлигини ифодаловчи восита сифатида; 2. “Сен” қариндошлар ўртасида ишлатиладиган восита сифатида; 3. “Сен” ни болалар тилида ишлатилиши; Бу кўпинча болаларнинг ўзаро мулоқоти ёки кичик ёшдаги болаларнинг катталарга мурожаати пайтида ишлатилиши; 4. “Сен”ни катталар томонидан ишлатилиши; 5. Мулоқот пайтида сурбетларча, юзсизларча адресатга “Сен” деб мурожаат қилиниши; 6. Бетакалуф муносабат, иноқлик, ошна-оғайничиликда ишлатилиши; Юқорида келтирилган вазифалар билан бир қаторда яна “Сен” олмоши диалогдан ташқарида алоҳида ишлатилади, яъни абстракт инсонларни ифодалайди. Масалан: “Сен ватан учун нима қилдинг?” Инсон атрибутларини ҳам акс эттиради. Масалан: “Эҳ ҳаёт, сен нима учун менга берилгансан?” Географик, космик объектларни ифодалашда ҳам “Сен” олмоши ишлатилади.

Энг қизиғи шундаки, “Сен” деб мурожаат этиш ким биландир хаёлан мулоқот қилаётган пайтда шундай вазифани бажаради.

“Сен” олмошининг 7 хил нутқий вазиятда ишлатилишидан икки турини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Булар: “Сен”ни катталар томонидан ишлатилиши (Ёш иерархиясига биноан юқоридан пастга қараб, яъни сўзловчи ёши улуг, адресат эса бола). Кейингиси “Сен”ни сурбетларча, юзсизларча ишлатилиши (ижтимоий иерархияга кўра юқоридан қуйига қараб). Нутқий вазиятда “Сен”дан ташқари яна “Сиз” (Инклюзив) олмоши ҳам ишлатилади. Бу олмош кўпинча мурожаат этилаётган пайтда икки шахсни- адресат ва сўзловчини теппа-тенг қамраб олади. Шу билан бирга, мазкур нутқий вазиятда сўзловчининг адресатга нисбатан юқорироқ мавқеини белгилайди. Масалан: тиббий кўрикдан ўтаётганда вазиятнинг эгаси албатта врач бўлади. Бундай пайтда мижознинг ижтимоий ёки ёшига нисбатан мавқеи врач учун аҳамиятсиз. Шунинг учун у мижозга ҳомийларча ёки меҳрибонларча мурожаат этиб, “Сиз” олмошини ишлатиши табиий хол. Қиёсланг, рус тилида: Ну, как мы себя чувствуем? Давление у нас нормальное, разве чуточку повышено, но нам не двадцать лет [3.69].

Сўзловчининг адресат билан ҳамкорлиги, ҳамдардлиги шунчалик юқорики, у ўзини адресат ҳолатига солиб, унинг дардига шерик бўлмоқчи. Биринчи шахс кўпликдаги сўроқ формаси қуйидаги калималарда, жумладан, “Қалай ишляпмизми?” кабиларда сўзловчи ўзи ишламаётган бўлсада, адресат билан ҳамкорлигини таъкидламоқчи. Шунинг ҳам эътибордан четга чиқармаслик керакки, сўзловчи ўзини тингловчининг шахсий доирасига нафақат ҳамдардлик билдиргани, балки, танқидий мақсадларни кўзлаб ҳам кириши мумкин. Масалан: “Халиям дам оляпмизми?; Нима қиламиз, мум тишлаб тураверамизми?”

Рус тилидаги “Он” ва “Она” олмошлари ўзгача прагматик вазифа бажарадилар. Яъни одамларни сўзловчининг шахсий таъсиридан чиқариб ташлашни ифодалядилар. У ҳолатда сўзловчини одамларни ҳақоратлашга, ҳурмат қилмасликка ёки тарбиясининг меъёрда эмаслигига ишора қилишга мойиллигини билдиради.

Дунё тилларининг айримларида кишилик олмошлари сўзловчи ва тингловчига ишора қилиш билан бирга инсон хусусиятини (характеристикасини) белгиси сифатида ҳам ўзларини номоён этадилар. Масалан: Э. Кинаннинг гувоҳлик беришича Мадагаскар тилида олмошлар интеракция иштирокчиларини қайси миллатга мансублигини ҳам кўрсатиб келадилар.

Мазкур мақола инглиз, ўзбек ва бошқа тиллардаги кишилик олмошларининг барча хусусиятларини қамраб ололмади. Чунки, кишилик олмошларининг семантик оппозицияси сўл ва ўнг контекстларда бажарадиган вазифалари ҳамда уларнинг маъно нозикликлари каби бир қатор баҳсталаб

муаммолар кейинги мақолаларимизда ўз аксини топади. Кишилиқ олмошларининг уммондек серқирра хусусиятларини кичкина бир илмий мақолада таҳлил қилишнинг иложи ҳам йўқ.

Кейинги мақолаларимизда ва магистрлик диссертациямизда дунё тилларида универсаллик касб этувчи кишилиқ олмошларининг нафақат опозицияси, балки матн ҳосил қилишдаги имкониятлари ҳам илмий таҳлилдан ўтказилади, чунки кишилиқ олмошларидек мулоқот мезонининг асосий омилларидан ҳисобланмиш олмошлар ҳам семантик, ҳам прагматки маъно касб этадиган серқирра тил бирликлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бенвенист. Э. Общая лингвистика. М. Прогресс, 1974. 447 стр.
2. Воҳидов Э., Муҳаббат, Тошкент 1979,93 бет.
3. Рахимов С.Р. «Проблема дейксиса как категории типологической лингвистики». Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Андижан 1990.
4. Радий Погодин, журн. «Нева», 1983, 2стр.